

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялғи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган "Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу мақсадда қаралган билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу ҳужжат билан "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят

намуналари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни бир хилда қўллаш, унификациялаш, юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча молиявий харажатлардан ҳалос этиш, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини муҳофазалаш усуллари кенгайтиришга хизмат қилади.

И. МИРЗААЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

САМАРАЛИ МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ

мўл ҳосил тўплашда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлатимиз аграр сёбатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис соҳанинг мустақам қонунлиқ пойдевори яратилиб, кенг кўламли ислохотлар — модернизация ва техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнлари изчил рўбга чиқарилмоқда. Чунинчи, 2008 — 2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўтилган ютуқлар эътироф этилиши баробарида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. — Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори сифатли ва экологик тоза ҳосил олишда туپроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш, ошириш муҳим омилдир, — дейди кўмита аъзоси А. Акрамов. — Бу борада ер ресурсларини муҳофазалаш, улардан фойдаланишни назорат қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш катта аҳамиятга эга.

Эшитувда аграр соҳани жадал ривожлантиришга қаратилган тув ислохотлар келтираётган ютуқлар кўламини янада кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Аввало, айтиш керакки, ушбу соҳада кўзланган кўрсаткичларга эришишда мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, туپроқ ҳолатини мунтазам мониторинг қилиб бориш, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш ўта муҳимдир, — дейди кўмита аъзоси К. Ибрагимов. — Айни чоғда бу борадаги қонунчилик, унинг амалга оширилиши таъминлайдиган механизмларни такомиллаштириш туپроқдан оқилана фойдаланишга қаратилган республика ва худудий дастурлар ижросини сўзсиз таъминлаш имконини беради.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, чунинчи, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалиётга жорий этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мўл ҳосил гаровига айланган, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириб боришга хизмат қилмоқда.

Сиджон МАХСУМОВ.


АГРОТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Компаниямиз томонидан тақлиф этилаётган жиҳозлар эса уларнинг сифатли сақланиши таъминлайди. Бундан ташқари, ҳосилни йиғиштириш машиналари, қадқоқлаш ускуналарини ҳам олиб келганми. Уларни етказиб бериш бўйича бюртмалар олаётганимиз бизни қувонтирмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда 66 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг тасарруфидида ер майдони 5 миллион 295 минг гектарни ташкил қилади. Қишлоқ мулкдорларининг экин майдонлари мақбуллаштирилган техникага бўлган талабни оширмоқда. Шу каби эҳтиёжларни таъминлаш, қайта ишлашни йўлга қўйишда халқаро кўрғазманнинг хизмати катта, албатта.

Кўрғазма залларини айланган киши мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат санъатидаги муваффақиятлар ҳақида яққол тасав-



вор ҳосил қилади. Чунки бу ерда юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, хорижий билан рақобатлаша оладиган қайта ишлаш ускуна ва жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техникалари кенг кўламли намойиш этиляпти. Шу билан бирга, жаҳонга машҳур чет эл компанияларининг юқори унумли ва тежамкор машиналари иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинапти. Улар ўзларига манзур техникалар, қайта ишлаш ускуналари ва қадқоқлаш дастгоҳлари ҳақида

маълумот олиш билан чекланмайдилар, балки очик майдонларда уларни кўриб, техник имкониятлари билан ақиндан танишадилар. Маъқул тушса, сотиб олиш бўйича шартномалар имзолашлари мумкин. Шу боис кўрғазманнинг ҳар бир бўлими республика-мизнинг барча минтақаларидан келган фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари билан гапхум.

— Аввалги кўрғазмаларда қатнашиб, "Клаас" галла ўриш комбайни, ҳайдов трактори сотиб олган эдик, — дейди қонсулик фермер Анвар Тоғаев. — Улар ёрдамида 148 гектар ерга уруғни вақтида қадаб, ҳосилни си-

фатли йиғиштириб олдик. Бу йил қишлоқ хўжалиги техникаларидан ташқари, мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ичхам ускунани ҳам сотиб олиш ниятидамыз.

Халқаро кўрғазмага ташриф буюрган қай бир юртимиз билан суҳбатлашмайлик, фаолиятини кенгайтириш, қўшимча қувватларни ишга тушириш, бунинг учун зарур технологик ускуналар харид қилиш ҳаракатида юрғанлигини айтиди. Зеро, халқаро форум мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат санъатини жадал ривожлантириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиривиш ва экспорт салоҳиятини оширишдек эзгу мақсадлар рўйи сари кенг йўл очилиши мукаррардир.

Сайд РАҲМОМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОВ
олган суратлар.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Чунки уларнинг фаолияти самараси кўп жиҳатдан ўз моддий-техник базасини муттасил модернизациялаш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиши билан боғлиқ. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга, кенг жамоатчиликка тезкор, ҳосил ва ҳаққонли ахборот етказишни таъминлашга ижобий таъсир этади.

Бинобарин, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш тақлиф этилади.

Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самардорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, кўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

"Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги қонунда, авваломбор, оммавий ахборот воситалари мулкнинг ҳуқуқий тартибини белгилаш, ҳусусан, оммавий ахборот воситаси таҳририяти мулкдорининг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун қонунда оммавий ахборот воситаси таъсисчиси ва мулкдорининг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш мақсадга му-

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ

кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий омилдир

нинг моддий-техник базасини мустақамлаш, бозор рақобати шароитларида оммавий ахборот воситасининг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратиш учун сарфлашиши лозим.

Қонун лойиҳасида реклама берувчилар ва ҳомиллар томонидан ОАВ фаолиятига аралашши ва таъйиқ ўтказиши тақиқловчи махсус нормаларнинг киритилиши мўҳимдир. Зеро, матбуот эркинлигининг энг асосий кафолати унинг мустақил фаолият кўрсатиши ва ривожланишидир. Фақат шундагина оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти ривожланиши йўлида ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин.

Энг муҳим тамойилларни амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳасида ОАВ низом жамғармасининг рухсат этилган минимал миқдорини аниқлаш, таҳририят фаолиятини молиялаштириш манбалари ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш механизмларини қонуний жиҳатдан акс эттириш белгила қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

"Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида эса, миллий ахборот маконини тобора ривожлантириб боришга қаратилган иқтисодий, молиявий имтиёзлар ва преференциялар тизимини, шу жумладан, солиқ, боғжона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича имтиёзлар тизимини яратилишини ҳуқуқий нормалари ўз ақсини топиши мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг "ижтимоий буюртмаси"ни шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга бўлган мақолалар, телеқўрсатув ҳамда радиокўрсатувларни мақсадли молиялаштириш, оммавий ахборот воситаларига давлат томонидан субсидиялар, ман-

мухтасар айтганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини ривожлантириш миллий ахборот маконини тараққий эттириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда энг асосий омил бўлади. Зотан, миллий матбуотимизни ривожлантириш давлатларининг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш тўғрисида вазифа қўйилган экан, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета-журналлар таҳриратларининг мустақиллиги ҳамда эркинлигини амалда таъминлаши билан бирга, уларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАҚАМЛАРИ ВА ФУТБОЛЧИСИ — ЎЗБЕКИСТОНДАН

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Абдухамидулло Расулов "Осиёнинг энг яхши қанот ҳақами" номинациясида икки нафар япониялик ҳамкасби — Наги Тошиюки ва Тогу Саварани ортада қолдирди. 35 ёшли Расулов Осиё кубоги ва Осиё чемпионлар лигаси финали Равшан Эрматов билан биргаликда бошқарган эди. Шунингдек, у 2012 йили Лондонда бўлидиган Олимпиада ўйинлари ва 2014 йили Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида саралашнинг бир нечта ўйинларида ҳам қатнашди.

Осиёнинг 2011 йилдаги энг яхши футболчисига аталган соврин Сервер Жепарова топширилди. Дарвоқе, миллий терма жамоамиз сардори 2008 йилда ҳам шундай шарафга муяссар бўлган эди.

Ўзбекистон футболдаги навабдаги ёрқин галаба билан барча ҳамюртларимизни муборакбод этамиз.

Шавкат ОРИҚОВ.

ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Шу билан бирга, компания тизимига Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда паст вольтли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижанда 9 мингдан ортиқ маҳалланинг электр таъминоти яхшиланди ва 600 мингта тадбиркорлик субъектига узлуксиз электр энергияси етказиб бериш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, маҳаллий бошқарув органлари ҳамда тижорат банклари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилгани истеволчиларга ишлатилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш жараёнида катта қўлайлик яратмоқда. Ҳозирги кунда аҳолидан тўлов қилувчи 229 та пункт ташкил этилгани, худудий электр тармоқлари қороналари ходимлари 791 кўчма терминал билан таъминлангани ва улар ёрдамида 212,4 миллиард сўм миқдоридега тушулган қилинган ана шундан далолат беради.

Семинар давомида соҳа мутасаддилари журналистларга тизим ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга мўлжалланган устувор режалар ҳусусида ҳам батафсил маълумот бердилар.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Олмонча меҳмоннавозлик

— Уларнинг бу одатларига қўниқиб кетганман, аммо бошида анча қийин бўлди, — дейди узоқ йиллардан бунга Германияда яшаётган дўстим. — Шарқ адабиёти фанидан дарс берадиган устозимиз бир гап уйига тақлиф қилди. Белгиланган вақтда айтилган манзилга етиб бордим. Ташқи камарининг қаршида туриб, кўнгирокчи босдим. Ичкаридан "эшитаман", деган овоз келди. Кимлигини айтиди. "Тақлиф қилинганмисиз?" сўради аёл...

Устоз уйини ҳам шарқона безатишга ҳаракат қилган эди. Осиёнинг турли давлатларидан келтирилган буюмлар орасида ўзимизнинг каштамазни кўриб, қўзларим қарақлаб кетди. Ҳар қат илп менга қадрдон кашта ҳақида у ўз билганича узоқ гапирди. Аммо бу санъат асарининг айнан қайси халққа мансублигини билмас эди. "Чой ичсанми, кофеми?" деб сўради. Мен одатимизга қўра "Йўқ, раҳмат, овозро бўлманг", дедим. Бир соатча гапладик. Ичкаридан идиш-товоқларнинг жангур-жунгури эшитилди. "Биз билан тушлик қилсанми?" яна сўради. Менга яна ўзбекона андиша панд берди. "Унда сени кузатиб қўяман", деди мезбон.

Ғарб ахли юксак маданият, деб биладиган одатлар бизда уят ҳисобланади. Халқимиз бекорга "Сураб бергунча уриб бер", демас экан. Ҳозир бирор жойга тақлиф қилишса, тортиниб ўтирмаймман.

Самарқанд шаҳридаги тўйларнинг бирода рўпарамизда ўтирган меҳмонлар эътиборимизни тортиди. Кўриниши ҳам, кийиниши ҳам ўзимизга ўхшамайдиган ўн чоғли эркак-аёлнинг кимлиги ҳақида ҳар ким ўзинча таҳмин қила болади. Кимдир қўвнинг, бошқа бирор келиннинг ишонасидан, деди.

Даврабошининг "Табрик навабини германиялик азиз меҳмони миз жанооб..." деган сўзларини эшитиб, дамимиз ичимизга тушди.

Чет эллик меҳмон келин-қўвнинг табриклагач, германиялик сайёҳлар

эқани, тўйларимизни кўриш иштиқиди ва ерга келишгани, Самарқанднинг бетакор обидаларини ўзига хос таровати, ўзбекларнинг ҳеч бир халққа учрамайдиган меҳмондўстлиги ҳақида гапирди.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русмлари, анъаналари бор. Ушбу қадриятлар билан да шаклланиб, жамиятда камол топади. "Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзинча бахтсиздир", деган эди Лев Толстой. Ҳаёт ҳақиқатини теран аниқлаган донишманд ёзувчи ҳақ. Тўғри,

Оила тўйдан бошланади. Халқимиз тўйсиз, яъни жамоатдан беркинича оила қўрмайди. Маслаҳатли тўй тарқамас, деган мақол заммида халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатлар мўжассам. Кўпчиликнинг кўз ўнгидега оила қурган йигит-қиз оила масъулиятини чуқурроқ англайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, оила қуриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Конституцияимизнинг 63-моддасида ҳам оила жамиятнинг асосий бўғини экани қайд этилган.

Оиланинг жамият ривожидеги бирламчи вазифаси — маънавий бутунлиқдир. Маънавиятсиз моддий фаровонлик ҳам, тараққиёт ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназулга олиб боради. Нопок ота-онадан ҳалол фарзанд дунёга келмайди. Ҳаром лўқма еб улғайган ўғил-қиз жамият учун катта хатардир.

Онамнинг даструмоли

Ота-онам талаби билан 2-синфдан туман марказидаги рус тилига иختисослаштирилган мактаб-интернатда ўқийдиган бўлдим. Уларнинг орзу-истакларини ҳозир тушунаман, аммо у пайтда қанчалар қийналган эдим!

Бекатгача кузатиб чиққан онам одоқли бола бўлиб, яхши ўқишим кераклигини қайта-қайта тайинлаб, чўнтагинга ўзининг рўмолчасини солиб қўйди. Интернетда бор-йўғи бир хафтагина ўқиганман. Лекин

бормадим. Балки иродасизлик қилгандирман, лекин оиланинг қадрини ўшанда англаганман, десам, хатога йўлманг. Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, ёшларга ҳурмат, кескаларга иззат каби фазилатлари билан ажралаб туради. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари бор. Шарқда ота оила солиқли, таъминотчи ва тарбиячи, она эса оиланинг кўрки, файзи

қилинади. Фарзандларга Яратганининг фазлу марҳамати, неъматидеба қаралади. Уйдан чиқаётганда оиланинг қатталаридан — буви-боболар ёки ота-онадан дуо олинди. Қайтганда ҳам аввал улардан ҳол-аҳвол сўралади.

Азалдан оила шани, обрўси биз учун ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Истиклол туғайли оила масъулиятини янада тегинроқ оила қила бошладик. Ҳуқуқий демократия давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз туғайли оиланинг аҳамияти янада ортди. Чунки фуқаролик жамияти ривож оиланинг ижтимоий аҳамиятини, маъқенини ошириш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамият-

да тутган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг ўн тўртинчи боби "Оила" деб номланади. Унда оила, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари қайд этилган.

Вера холанинг ҳикояси

"Регистон" тезорар поезидеда Самарқанддан Тошкентга қайтаётим, ёши олтишларни қоралаб қолган сур аёли билан суҳбатлашиб келдик. Ўзини Вера ҳола деб таништирган опахон суҳбат ораси-

да хорижда кеҳирган кунларини ҳикоя қилиб берди. — Одам ёши бир жойга борганда ҳам ақлсизлик қилиши мумкин экан, — дейди у. — Борганимга минг пуйаймон бўлиб, қайтиб келдим. Тарихий Ватаним аждодларим юрти деб, кимларнингдир кутқусига учиб, уй-жойимни сотиб кетганим. Миллатдошларим орасида яшайман, деб уйлагандим. Адашган эканман. Ҳавосини баҳона қилдим, аслида ҳеч бир жиҳати менга тўғри келмади. Ўзбекистондек жаннатноманд юрт, ўзбек халқидек бағрикенг халқ бу дунёда йўқ эканини яна бирор англадим.

Бу ерда обрў-эътиборим, иззатим бор эди. Маҳалладаги тўй-маъракаларга аралашиб турардим. У ёққа бориб ҳеч ким бўлмади қолдим...

Дунёда техника, технология жиҳатидан анча илгариллаб кетган, моддий манфаатдорлиқни ҳамма нарсадан устун қўйдиган, ҳар бир дақиқани пулга қақадиган одамлар, ҳатто, мамлақату жамиятлар ҳам йўқ эмас. Аммо айнан шундай қарашлар устувор бўлган мамлақатлар ахли техникага тараққиётга ружу қўйиб, ёшлар тарбияси, маънавиятга ўз вақтида эътибор қаратилмагани бутун жамиятни, жумладан, иқтисодийни таназулга бошлайдиганидан жиҳдий таҳлилгага тушаётгани оммавий ахборот воситаларида ташвиш билан қайд этил-

Воҳид ЛУҚМОН,
Ўза шарҳловчиси.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда нефть ва газ саноатининг изчил тараққий этиши бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасидир. Хусусан, ана шундай юксак эътибор натижасида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналар барқарор фаолияти, мутахассисларнинг юксак маҳорат ва малакаси билан дунёда ўз нуфузи ҳамда мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётир. Жорий йилнинг октябрь ойида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Sho'rtan gaz mahsulot" қўшма корхонасининг "World Quality Commitment" халқаро конвенциясида Олтин соврин билан тақдирлангани бунга яққол мисол бўла олади.



Айтиш жоизки, корхоналар сифат моделининг коммуникациялар ва технологиялар соҳасидаги етакчи халқаро ташкилот — "Business Initiative Directions (B.I.D.)" компанияси томонидан ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирга Париж шаҳри мезбонлик қилди. Унда "Sho'rtan gaz mahsulot" вакиллари айнан ушбу компания президенти Хосе Э. Приетодан мукофотни тантанали равишда қабул қилиб олдилар.

Тақдирлаш маросими Париждаги "Concorde La Fayette" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда Франция пойтахтида расмий рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, ОАВ ходимлари ҳамда турли мамлакатлардан ташриф буюрган ишбилармонлар қатнашди.

Албатта, "Sho'rtan gaz mahsulot" бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Гап шундаки, суолтирилган углеводородли газ ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга қаратилган инвестициявий дастур ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистонда

лабларга мос менежмент тизими жорий этилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур тизим маҳсулот сифатини ошириш ҳамда халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда катта ютуқларга эришишда қўл келиши баробарида, фирма бланкалари, рисо-лалар, жиҳозлар, тижорат материаллари ҳамда интернет сайтларида менежмент тизимининг логотипини joyлаштириш имконини беради.

TQM (Total Quality Management) QC100 Сифат модели ва JBAN нашр гуруҳи томонидан асос солинган. 1975 йилда Европада сифат бўйича илк халқаро конвенция ташкил этилди. 1986 йилдан бошлаб эса ташкилот Халқаро эксперт гуруҳи билан ҳамкорликда ўз фаолиятини жа-хоннинг етакчи компанияларида сифат маданиятини юксалтиришга йўналтирди.

Мухандис, физик, математик, иқтисодчи, социолог ва журна-

ларни кенг жорий этишга қулай шароит яратди.

Парижда бўлиб ўтган учра-шув турли мамлакатларда, ҳар хил соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сифатга эришишга интилиши даражасини баҳолашга қара-тилган. Конвенцияда дунёга машҳур қатор нуфузли компа-ниялар ҳамда Францияда рас-мий рўйхатдан ўтган дипло-матик корпус вакиллари қат-нашдилар.

кўрсаткичлари учун — "Бизнес бошқарувида етакчилик қилиш", "Бизнес сифати ва натижалари", "Бизнес ва то-вар белгисининг аҳамияти", "Технологиялар, инновациялар ва бизнесни кенгайтириш" номинацияларида олтин, пла-тина ҳамда олмос совринлари билан мукофотландилар.

"Business Initiative Direc-tions" халқаро ташкилоти си-фат маданиятини оммалашти-ришни кўзлаб инновацион

шуғулланувчи, ОАВ, соғлиқни сақлаш, сугурта, тўқимачилик саноати, энергетика ва молия тизими вакиллари бор. Таъ-кидлаш жоизки, улар таник-ли, нуфузли ҳамда юқори си-фат даражасига эришган компа-ния ва фирмалардир. 115 минг нафар меҳнат жамоаси-га эга, 65 мамлакатда 60 мил-лиондан зиёд мижозларга хизмат кўрсатаётган Голландиянинг "ING Group" молия холдинги шулар жумласидан-дир. Шунингдек, соврин-дорлар орасида пўлат ишлаб чиқаришга ихтисослаштирил-ган дунёга машҳур "China Steel Corp" компанияси, Венесуэланинг "CVG Electrifi-cation del Caroni" йирик гид-роэлектростанцияси, пўлат ишлаб чиқаришда етакчилар-дан бири бўлган "SABIC" гуруҳи таркибига кирувчи "Saudi Iron & Steel Company (Hadeed)" корпорацияларини учратиш мумкин. Қолаверса, бу рўйхатдан табиий матери-алларни қазиб олиш ва қайта ишлашни лойиҳалаштириш ҳамда бошқариш хизматлари-ни кўрсатувчи "Downer" (Янги Зеландия) компанияси ва катта миқдорда углеводород экспорт қилувчи, газ, нефть соҳаларида тадқиқот олиб бориш, ишлаб чиқариш ҳамда тозалаш бўйича қимматбаҳо шартномаларга эга "Vietnam Oil and Gas Group" корпорация-си ва ҳоказолар жой олган.

Бир пайтлар сифат мада-ниятини оширишдаги салмоқ-ли ҳиссаси учун Россиянинг космик кемалар ва уларни учир-иш учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи "Полёт" компания-си, АҚШнинг Авиация феде-рал бошқармаси ва бошқалар "B.I.D." компанияси томонидан тақдирланган.

СИФАТ ВА САЛОҲИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Эътиборлиси, қўшма корхо-нага шу йилнинг май ойида ISO 9001 (сифат менежменти тизими), ISO 14001 (Экологик менежмент тизими) ва OHSAS 18001 (Касбга оид хавфсиз-лик ва соғлиқни сақлаш соҳасида-ги менежмент ти-зими) каби халқа-ро мувофиқлик сертификати берилган эди. Корхона жамоаси 2012 йилда ISO/TS 29001 (Нефть ва газ соҳасида си-фат менежменти тизими) халқаро стандартини иш-лаб чиқиб, амали-ётга татбиқ этиш-ни ҳам режалаш-тирмоқда.

Халқаро конвенция "Business Initiative Directions (B.I.D.)" нотижорат ташкилоти дастурларининг узвий қисми бўлиб, унинг асосий фаоли-яти барча мамлакатлардаги етакчи компанияларда сифат маданиятини оширишга қари-тилган. Мазкур тадбир турли соҳаларда фаолият юритувчи компаниялар, ташкилотлар ва мутахассисларнинг ютуқлари-ни эътироф этишга йўналти-рилган.

Ушбу халқаро компанияга 1973 йили жаноб Хосе Э. Прието ташаббуси билан

листвлардан иборат халқаро экспертлар ташкилоти QC100 Сифат моделини такомиллашти-риш бўйича янги голялар, ўзга-ришларни ва турли тақлифлар-ни киритиб боради ва шу билан



бирга, компанияларнинг ўз фаолиятида юқори сифатга эришишига кўмаклашди.

"Business Initiative Directions (B.I.D.)" — сифат маданиятини ошириш билан муайян шуғулла-наётган, ўз фаолияти орқали им-кон қадар кўпроқ компаниялар-ни қамраб олишга интилаётган ҳамда ўз ишига овоз бериш жа-раёнини жорий этган нуфузли ташкилот. "B.I.D." белгиси ва Total Quality Management QC100 Сифат модели жаҳондаги 178 мамлакатда мавжуд. Бу эса ушбу давлатларда сифатни такомил-лаштирувчи замонвий тизим-

1984 йилда "B.I.D." асосчи-си жаноб Хосе Э. Прието ра-қобатчилари орасида устун-ликка эришиш ҳамда пеш-қадамликни сақлаб қолиш мақсадида сифат маданияти менежменти серкюр-ралигини назарда ту-тувчи "Quality Mix" номли янги тушунча-ни амалиётга кирит-ди. Ўтган ўн йиллар мобайнида "Business Initiative Directions" ўзининг инновацион голялари ва ташаб-буслари билан ма-ҳаллий, миллий, қитъа миқёсидаги ҳамда умумжаҳон компанияларида си-фат маданиятини жорий этувчи дунё-даги тўртта асосий

ташкилотлардан бирига ай-ланди. "Quality Mix" концеп-цияси сифатни узлуксиз ра-вишда яхшилаш тизимининг яратилишига хизмат қилувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган олти-та ҳаракат гуруҳини ўз тарки-бига қамраб олади.

Яна бир бор таъкидлаш ке-ракки, сифат бўйича халқаро конвенция турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган компаниялар, ташкилотлар ва мутахассисларнинг ютуқлари-ни эътироф этишга қаратил-ган. Улар орасида энг яхши деб топилганлари юқори

қарорларини такомиллашти-риш мақсадида ундан фойда-ланадиган компаниялар ва ташкилотлар учун мукофот таъсис этди.

Анъанага мувофиқ, даст-лабки йилларда мукофотлан-ган компаниялар хулосасига кўра ҳамда овоз бериш йўли билан Нью-Йорк, Лондон, Па-риж, Женева, Франкфурт ва Мадрид каби дунёнинг турли шаҳарларида ўтказилаётган конвенцияларда адолатли ҳакамлар ҳайъати "Business Initiative Directions" совриндор-ларини аниқлайди. "B.I.D." совринлари маҳсулот сифати-ни яхшилаш устида доимий изланиш олиб бораётган, из-чил тараққий этаётган жаҳон-нинг энг илгор компания-ларига насиб этади. Ана шун-дай мукофотга сазовор бўлган компаниялар орасида қури-лаш, сайёҳлик, юк ташиш, ме-таллургия, қишлоқ хўжалиги, кўчмас мулк савдоси билан

Мухтасар айтганда, "Sho'rtan gaz mahsulot"нинг "World Quality Commitment" соврини билан тақдирланиши Ўзбекистоннинг танлаган иқтисодий тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётлигини яна бир қарра исботлади. Айни пайтда ушбу юксак муваффақиятдан руҳланган кор-хона меҳнат жамоаси келгусида ўзларининг бор куч-ғай-рати, имкониятларини мамлакатимиз нефть ва газ сано-ати салоҳиятини юксалтириш, буюк ва муқаддас Ватанимизнинг дунёдаги нуфузини оширишга сафарбар этишни мақсад қилганлар.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

ТРУБА ЗАВОДИ КК

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диа- метри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси Иқтисодий вазирлиги билан ҳамкорликда

V Республика ярмаркасига тайёргарликни бошлади.

Инновация ҳамда ишлаб чиқариш марказлари, ихтирочилар ва кичик бизнес корхоналари ярмаркада қатнашиш учун тақлиф этилади.

Ярмарка экспонатларига қўйилган талаблар билан танишиш учун Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ва Иқтисодий вазирлигининг қуйидаги сайтлариغا мурожаат этиш мумкин:

www.uzscience.uz, www.mineconomy.uz/innovation

Ярмаркада иштирок этиш учун тақлифлар 2011 йил 10 декабрдан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй ёки электрон манзил: yarmarka5@uz.science.uz
Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасида: (8-371) 233-99-53, 233-69-61;
Иқтисодий вазирлигида: (8-371) 232-63-81.

Tsh 64-20438253-01: 2011

ООО «TAYFUN PLASTIK»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 201-59-89.

УЛЬЯНОВСКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги оմборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

UAZ Hunter

UAZ Patriot Limited

Юк ташувчи UAZ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус UAZ-39625.

Кўшимча кабинали UAZ-39094.

Фургон UAZ-3741, юк ортиш учун ҳажмли UAZ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус UAZ 2206, санитар автомашинаси UAZ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, қафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: (8-371) 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги жамоаси кўп йиллар давомида республика архив муассасалари фаолиятига салмоқли ҳисса қўшган

Пўлат НИГМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали ЁАЖ жамоаси телерадиоканал муҳаррири

Ўткир ЭРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририя-тининг бош муҳаррир ўринбосари Саҳобиддин Хўжановга волидаи муҳтарамаси

Нортожи ая НОРБОВЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил Яримой Жамияти Раёсати аъзолари ва ходим-лари жамият раиси Х. Каримовга турмуш ўртоғи

Марфуа КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиоком-панияси "Sport" телерадиоканали ДУК жамоаси Хоразм вилояти бўйича мухбири Даврон Шариповга турмуш ўртоғи

Зайнаб ШАРИПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

